

## 111-22/ПП-сонли ШАРТНОМАСИ

Тармоқ ресурслари ва техник алоқа воситаларини ижарага бериш

Тошкент ш.

“26” 7 2022й.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали, кейинги ўринда “Ижарага берувчи” деб аталувчи номидан, Низом ва 30.12.2021 й 27.01.14/6019 -сонли ишончнома асосида иш юритувчи, директори Фаррух Шорухович Рустамов, бир томондан **Шаҳар болалар тиббий маслаҳат диагностика маркази**, кейинги ўринда “Ижарага олувчи” деб аталувчи номидан, \_\_\_\_\_ асосида иш юритувчи, А.Р. Умаров, иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар, ушбу шартномани туздилар:

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартномага мувофиқ “Ижарага берувчи” “Ижарага олувчи”га фойдаланиш мақсадида “ТШТТ” филиалининг алоқа воситалари, телефон станциялари ва алоқа марказларидаги коммутация пунктлари (портлари) орқали тўғридан-тўғри симлар, Томонларнинг жавобгарлик чегараларига (зоналарига) мувофиқ такдим этилади.

**Шаҳар болалар тиббий маслаҳат диагностика марказига** ўзгарувчан мультимплексер (СГМ) орқали 233-289 ЭАТСдан 3 дона тўғридан-тўғри симлар такдим этилади.

1.2. Ижарага олинган тўғридан-тўғри симлар ўзаро келишувга мувофиқ “Ижарага олувчи”га такдим этилган (бириктирилган) коммутация пунктларига етказиб берилади.

### 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

2.1. “Ижарага олувчи” “ТШТТ” филиалининг 20210000604074838051 х/рга

- ўзгарувчан мультимплексер(СГМ) орқали битта тўғридан-тўғри симни ижарага олиш нархи тариф бўйича: 41 964,00 сўмни ташкил этади. Ижарага олувчи томонидан уч дона тўғридан-тўғри симни ижарага олиш учун тариф бўйича ҚҚСни инобатга олган ҳолда **ҳар ойда** 125 892,00 сўм тўлов амалга оширилади.

2.2. Шартноманинг умумий миқдори 1510 704 (орин сессиялари) ташкил этади.

2.3. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга кўра, хизматлар учун тўлов (тўғридан-тўғри симни ижарага бериш) шартнома тўлов топширикномаси (тўлов-сўровномаси, ҳисоб-фактура ва ҳисобларга кўра) асосида акцептлаш тартиби ёки тўлов топширикномаси бўйича банк пул ўтказмаси орқали амалга оширилади.

2.4. Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги ҳамда “Ўзбектелеком” АК фармонлари ва қарорларига мувофиқ тарифлар ва ҳисоб-китоблар ўзгарганда, шунингдек энергия ташувчилар, коммунал хизматлар, ёкилги-мойлаш материаллари нархлари ўзгарганда “Ижарага олувчи” “Ижарага берувчи”га янги тарифлар чиққан пайтдан бошлаб, тўловларни амалга оширади, қўшимча келишув имзолаш йўли билан.

2.5. “ТШТТ” филиали ва **Шаҳар болалар тиббий маслаҳат диагностика маркази** ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сонли қарорига асосан “Ижарага олувчи” кўрсатиладиган хизматлар учун, ойлик 100% миқдордаги олдиндан тўловни, ҳисоб ойининг 10-санасига қадар амалга оширади.

2.7. Ўзаро даъволар ва санкцияларнинг мавжудлиги кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга оширмасликка асос бўлмайди ҳамда ўзаро келишувсиз хизматларни кўрсатиш тўхтатилмайди.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 3.1. Ижарага берувчи:

3.1.1 Белгиланган тартибда, техник имкониятларга асосланиб, **уч дона тўғридан-тўғри симларни** техник стандартларга ва келишилган шартларга мувофиқ равишда ажратиб берилишини ва рўйхатдан ўтказилишини, Ахборот технологиялари вазирлигининг техник стандартларига мувофиқ жавобгарлик чегарасида яъни *233-289 ЭАТСдан 3 дона тўғридан-тўғри симларга* техник хизмат кўрсатишни ва таъмирлашни;

3.1.2 Жавобгарлик доирасида ижарага берилган алоқа воситаларини сифатли ишлашини;

3.1.3 Фавқулодда вазиятлар ва авария ҳолати ўзи томондан юз берганда авария ҳолатини бартараф этиш ва белгиланган муддатларда алоқани тиклаш учун зарур чораларни кўришни ўз зиммасига олади.

#### 3.2 Ижарага олувчи:

3.2.1 **Уч дона тўғридан-тўғри симларни** ишлашини таъминлаш учун ташкилий ва техник шартларни бажарилишини;

3.2.2 Ойлик тўловларни 125-1/7-сонли (Прейскурант) нархлар рўйхати тарифлари бўйича амалга оширишни, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари вазирлигининг техник стандартларига шунингдек, ўзаро келишилган шартларга мувофиқ, ижарага олинган алоқа воситаларининг техник эксплуатациясини амалга оширишни;

3.2.3 Ўзининг алоқа воситаларида фавқулодда вазиятлар ва авария ҳолати юз берганда авария ҳолатини бартараф этиш ва белгиланган муддатларда алоқани тиклаш учун зарур чораларни кўришни;

3.2.4 Жавобгарлик чегарасида ижарага олинган алоқа воситаларининг сифати учун жавобгарликни (ПДС- 20x20 бошқарув панели);

3.2.5 Станциялараро тўғридан-тўғри симларни уланишида авариявий ҳолат юзага келганда 71 268-58-58, 71 267-04-25 телефон рақамларига маълум қилинишини ўз зиммасига олади.

### 4.ФОРС - МАЖОР

4.1 Томонлар шартнома шартларини бажаришлари мобайнида уларнинг хохиш, эрки ва иродасига боғлиқ бўлмаган форс-мажор ҳолатлари жумладан: табиий офатлар, ёнғин, zilзила, сув тошқини ва табиатнинг табиий кучларининг бошқа ҳаракатлари, шунингдек алоқа кабелларини ўғирланиши, давлат ҳокимиятининг ҳаракатлари агар ушбу ҳолатлар Шартнома имзоланганидан кейин пайдо бўлган бўлса ва унинг бажарилишига бевосита таъсир кўрсатган бўлса Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинадилар.

4.2 Қайси томон учун форс-мажор ҳолати содир бўлса ва мажбуриятларини бажариш имкони бўлмаса ушбу ҳолат ҳақида иккинчи томонни дарҳол хабардор қилиши шарт. Форс-мажор ҳолатлари тўғрисида ўз вақтида яъни 15 кун ичида бошқа томонни огоҳлантирмаслик, келгусида огоҳлантирилмаган тарафга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Шартноманинг 3-бандига асосан Ижарага олувчи тўловларни кечиктирган тақдирда кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдориде лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50% кўп бўлмаган миқдорда хар бир кечиктирилган кун учун пеня тўлайди.

5.2. “ТШТТ” филиалида сақланаётган Томонларнинг ускуналарида Ижарага берувчининг айби билан етказилган зарарни бартараф этиш бўйича назорат вақтидан (икки томоннинг ваколатли вакиллари томонидан тузилган) ортиқ вақт давомида вақтинча уланиш йўллари маълум қилмаганлик ва тегишли ускуналар алмаштирилмаган тақдирда Ижарага берувчи томонидан ойлик тўлов қайта ҳисоб-китоб қилинади ва мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми ҳисобига 0,5% миқдориде лекин кўрсатилмаган хизматлар нархининг 50% кўп бўлмаган миқдориде пеня тўланади (солиштириш далолатномаси асосида (акт сверка).

5.3. Томонлар ўртасидаги музокаралар натижасида юзага келадиган келишмовчиликларни ижобий ҳал қилиш учун Томонлар келишув қоидаларидан фойдаланадилар.

5.4. Ушбу келишув бўйича келиб чиқадиган баҳсли масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал этилади.

5.5. Юридик манзил ёки банк реквизитлари ўзгартирилганда, Томонлар ушбу реквизитлар ўзгартирилган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай бир-бирларини хабардор қилишади.

5.6. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар.

5.7. Белгиланган тартибда тузилган ушбу шартномага қўшимчалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5.8. Ушбу шартномада акс эттирилмаган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

## 6. МАХСУС ШАРТЛАР

6.1. Томонлар қуйидагиларни таъминлаш мақсадида ўзаро ҳамкорлик қилишади:

- Ахборот хавфсизлиги,
- Телекоммуникация иншоотларига кириш-чиқиш режими мавжудлиги,
- алоқа тармоқларида ишлаб чиқариш қоидалари ва тартибларига риоя қилиш,
- ёнғин хавфсизлиги,
- техника хавфсизлиги,
- тезкор-қидирув фаолияти

6.2. Томонлар мазкур Шартнома шартларининг бузилиши туфайли юзага келган зарарни, бошқа Томонга қоплашади, аммо йўқотилган фойдани эмас.

## 7. ШАРТНОМА МУДДАТИ

7.1. Шартнома, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Ғазначилик бошқармаси томонидан рўйхатга олинган санадан 2022 йил «26» I дан кучга киради ва 2022 йил 31 XII га қадар амал қилади.

7.2. Мазкур шартномага, янги қабул қилинган ва юқори турувчи ташкилотлар томонидан тасдиқланган Қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, Томонлар таклифи ва ижарага олинган ускуна орасидаги масофаларни ўзгариши билан боғлиқ ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, Томонларнинг ўзаро келишувига кўра, ёзма келишув (баённома) ёки шартномага киритилган илова шаклида, Томонлар вакиллари имзолари билан тасдиқланган ҳолатда ҳақиқий ҳисобланади.

7.4. Мазкур шартнома қуйидаги шароитларда бекор қилинади:

- томонлар келишувига кўра,
- бир томонлама, бошқа Томон шартнома бўйича ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаган ҳолатда,
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

7.5. Мазкур Шартнома икки асл нусхада, ҳар бир Томон учун, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга.

## 8. ТОМОНЛАР РЕКВИЗИТЛАРИ

“Ўзбектелеком” АК  
“ТШТТ” филиали

Тошкент ш., 100084  
Кичик халка йули, 2А-уй :  
Х/р 2021 0000 6040 7483 8051  
АТ Алоқабанк Амалиёт бошқармаси  
Банк коди: 00401, СТИР: 203 366 731  
АОФТ коди (ОКЭД): 61100  
Тел: 71-234-64-39, факс: 71-232-15-15

Директор



Ф.Ш.Рустамов


Шаҳар болалар тиббий  
маслаҳат диагностика маркази

Шаҳар болалар тиббий маслаҳат диагностика Маркази  
г. Ташкент, ул. Махтумқули д.2  
Тел: 289-72-31, 233-08-96  
Молия Вазирлиги Газначилиги  
Р/с қаз: 23402000300100001010  
ИНН: 201 122 919 МФО: 00014  
Тошкент шаҳар Марказий Банк ХКМ  
П/с: 401421860262907072202054001  
ИНН: 200 835 664 МФО: 00014 ОКЭД: 86220



Ибатовас.

Юридический  
Ю. Каримов.



LITSENZIYA  
ЛИЦЕНЗИЯ

AA № 0005657

Litsenziya turi / Вид лицензии: Типовая

Berilgan sana / Дата выдачи: 21 августа 2015 г.

Litsenziyaning amal qilish muddati: 22.02.2007г. dan 22.02.2017г. gacha  
Срок действия лицензии: с по

Litsenziatning nomi: Акционерная компания «О'ЗВЕКТЕЛЕКОМ»  
Наименование Лицензиата:

г.Ташкент, Юнусабадский р-н, проспект Амира Темура, д.97А, р/с 20210000904074838001  
Litsenziatning manzili va bank rekvizitlari в ОПЕРУ АК «Алокабанк» г.Ташкент, МФО 00401, ИНН 203366731  
Адрес и банковские реквизиты Лицензиата

USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIYAT KO'RSATISHGA RUXSAT ETILADI.  
НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:

Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг  
местных сетей телекоммуникаций

ILOVA QILINGAN LITSENZIYA SHARTNOMASIGA MUVOFIQ  
В СООТВЕТСТВИИ С ПРИЛАГАЕМЫМ ЛИЦЕНЗИОННЫМ СОГЛАШЕНИЕМ


M.O. / М.П. *Rahbarning imzosi:* / *Подпись руководителя:*   
Litsenziyaning amal qilish muddati: 23.02.2017г. dan 23.02.2032г. gacha uzaytirildi  
Срок действия лицензии продлен: с по

M.O. / М.П. *Rahbarning imzosi:* / *Подпись руководителя:*   
Litsenziyaning amal qilish muddati: dan gacha uzaytirildi  
Срок действия лицензии продлен: с по

M.O. / М.П. *Rahbarning imzosi:* / *Подпись руководителя:*

(Pova qilingan litsenziya shartnomasi mazkur litsenziyaning ajralmas qismidir)  
(Прилагаемое лицензионное соглашение является неотъемлемой частью настоящей лицензии)

Реестр № 744



YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RSIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № **10-000240**

№ **004060**

2010 yil "19" iyul

Mazkur guvohnoma

**"O'ZBEKTELEKOM"**

yundik shaxsga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli:

*Ochiq aksiyadorlik jamiyati*

THSH (ОПФ)

1150

*Aksiyadorlik kompaniyasi*

Mulkchilik shakli:

*Aksiyadorlar*

MSHT (ФС)

144

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

*A. TEMUR SHOX KO'CHASI, 24-UY*

MHBT (СОАТО)

1726266

Yundik shaxs kodi:

KTUT (ОКПО)

17820078

Asosiy faoliyat turi:

*Elektr va radio aloqasi*

XXTUT (ОКОНХ)

52300

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:

STIR (ИИИ)

203366731

Qo'shimcha ma'lumotlar:

*AVVAL, ADLIYA VAZIRLIGIDA 2000 YIL 10. AVGUSTDAGI*

*1317-SONLI REESTR RAQAMI BILAN RO'YHATGA OLINGAN*

Vakolatli organ boshlig'i:

*S.M. Tairshikov*





ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
АКЦИОНЕРНАЯ КОМПАНИЯ УЗБЕКТЕЛЕКОМ

100011, Toshkent sh., A. Navoiy, 28a uy. T. (+998 71) 239-23-07. F. (+998 71) 236-01-88. E-mail: info@uztelecom.uz www.uztelecom.uz  
100011, г.Ташкент, ул. А.Навои, дом 28а Т. (+998 71) 239-23-07. Ф. (+998 71) 236-01-88. E-mail: info@uztelecom.uz www.uztelecom.uz

№ 4407-4/30.19  
20.12.2019

## ИШОНЧНОМА

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 28А-уйда жойлашган “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринда – Компания) номидан, ваколатли орган томонидан 2021 йил 27 январда рўйхатдан ўтган янги тахрирдаги Компания Устави асосида фаолият юритувчи, Компания бош директори Хасанов Назиржон Набижанович, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 47, 138 – 140-моддалари, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 7, 79-моддаларига асосан мазкур ишончнома орқали Компаниянинг “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали (кейинги ўринда – Филиал деб юритилади) директори Рустамов Фаррух Шоруховичга (RUSTAMOV FARRUX SHORUXOVICH, паспорт маълумотлари: серия АА, № 2851184, 14.09.2013 йилда Тошкент шаҳар Юнусobod тумани ИИБ томонидан берилган) Компания номидан қуйидаги ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқини бериди:

мазкур ишончнома ва “Ўзбектелеком” АКнинг “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали тўғрисидаги Низомга асосан берилган ваколатлар доирасида Филиал фаолиятида умумий раҳбарликни амалга ошириш;

қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда, ўз ваколатлари доирасида Филиал фаолияти билан боғлиқ буйруқлар, фармойишлар ва бошқа ички ҳужжатларни қабул қилиш, тасдиқлаш (имзолаш);

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ Компания номидан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш (Филиал ва унинг таркибий тузилмаларига ишга қабул қилиш ёки ишдан бўшатиш муносабатлари), Филиал ходимларини Филиалнинг бошқа таркибий тузилмасига ўтказиш орқали меҳнат шартномаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш (қўшимча келишувлар тузиш), Филиал ходимларига инсбатан интизомий жазо чораларини қўллаш. Бунда мазкур ваколатларни ишончнома асосида бошқа шахсларга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

қонун ҳужжатларига мувофиқ суд органларида (шу жумладан, ҳакамлик судлари ва арбитражларда) ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида иштирок этиш (суд мажлисларида, процессуал ҳаракатларида иштирок этиш), даъвогар ва жавобгар сифатида тегишли ҳаракатларни амалга ошириш, шунингдек учинчи шахс сифатида иштирок этиш, даъво аризаларни ва шикоятларни имзолаш (шу жумладан апелляция ва кассация инстанцияларига аризалар ва шикоятлар киритиш), даъво талабини ўзгартириш ва/ёки тўлдириш, даъво талабларини (эътирозларни) қабул қилиш ёки рад этиш, келишув битимини тузиш, Компания фойдасига (Филиал фаолияти доирасида) қабул қилинган суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижрога қаратиш ва ушбу ҳужжатларни ижро этиш жараёнида пул маблағлари ёхуд бошқа моддий қимматликлар (мол-мулк)ни Филиал балансига қабул қилиш, ушбу ваколатларни ишончнома асосида Филиалнинг маъсул ходимларига ўтказиш. Бунда даъво аризаларни ва шикоятларни имзолаш, шу жумладан апелляция ва кассация инстанцияларига, даъво талабини ўзгартириш ёки

тўндириш, даъво талабларини (эътирозларни) қабул қилиш ёки рад этиш, келишув битимини тузиш ваколатларини ишончнома асосида бошқа шахсларга ўтказилишига йўл қўйилмайди;

Филиал ваколатлари доирасида жиемоний шахслар, мулкчилик шаклидан қатъий назар торидик шахслар билан телекоммуникация хизматларини ва бошқа хизматларни кўрсатиш ҳақидаги шартномалар (уларга қўшимча келишувлар/битимлар) тузиш ёки бекор қилиш (имзоланг), ушбу ваколатларни Филиал директорининг ўринбосарларига (директор ўринбосарига ўз буйсулувидаги Филиалнинг бошқа масъул шахсларига ишончнома бериш ҳуқуқи билан) ишончнома асосида ўтказиш ҳуқуқи билан;

Филиал ваколатлари доирасида ва Филиал эҳтиёжлари учун зарур бўлган, умумий қиймати 50 000 (эллик минг) АҚШ доллари эквивалентидан (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан имзоланг кунда белгиланган чет эл валютаси курсида) ошмаган миқдорда товарлар, ишлар ва хизматларни етказиб берувчилар билан шартномалар (уларга ва илгари тузилган шартномаларга қўшимча келишувлар/битимлар) тузиш ёки бекор қилиш (имзоланг), шу билан бирга, Компания харидлар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Комиссиясининг тегишли қарорлари асосида шартномалар (уларга ва илгари тузилган шартномаларга қўшимча келишувлар/битимлар) тузиш ёки бекор қилиш (имзоланг), бунда мазкур ваколатларни ишончнома асосида бошқа шахсларга ўтказилишига йўл қўйилмайди;

ушбу ишончнома доирасида тузилган шартномалар (шу жумладан, илгари тузилган шартномалар) бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳужжатларини (шу жумладан, ҳисоб-фактуралар, бажарилган ишлар тўғрисидаги далелатномаларини, таккеслаш ва ўзаро ҳисоб-китоб далелатномалари) ва бошқа зарур ҳужжатларни имзоланг, ушбу ваколатларни Филиал директорининг ўринбосарларига ишончнома асосида ўтказиш ҳуқуқи билан;

Филиал ҳужжалик фаолиятида зарур бўлган банк операцияларини амалга ошириш.

Филиал директори Ф.Ш. Рустамов ушбу ишончнома доирасида амалга оширилган ҳаракатлари, шу жумладан имзоланган шартномалар ва бошқа ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги, қонунийлиги ҳамда айрим ваколатларни ишончнома асосида бошқа шахсларга ўтказилишининг мақсадга мувофиқлиги (мақбуллиги) учун жавобгардир.

Ушбу ишончнома 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

Ушбу ишончноманинг амал қилиш муддати Компания бош директори томонидан муддатдан олдин бекор қилиниши мумкин.

Рустамов Фаррух Шоруховичнинг \_\_\_\_\_ имзо намунасини тасдиқлайман.

Персонал билан ишлар бошқармаси бошлиғи М. Шайматов \_\_\_\_\_

Бош директор

Н. Хасанов